

**ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЙ САНЪАТ ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТАРИХИ
ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАҲОРАТ ДАРСЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ
ВА ЁШ АВЛОДГА ТАЪСИРИ**

*Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик
тарихи давлат музейи Амалий санъат ва
этнография илмий бўлими мудири
Нарзуллаева Дилноза Абдуллаевна*

Аннотация: *Мақолада ўзбек амалий санъатининг ноёб турлари бўлмиш кулолчилик, каштачилик, мис кандакорлиги, гилам тўқимачилиги, ёғоч ўймакорлиги ва наққошлиги, заргарлик, зардўзлик, пичоқчилик каби қатор йўналишларидаги уста-ҳунармандлар фаолияти ва улар томонидан музейда ўтказилиб келинаётган маҳорат дарслари тўғрисида маълумотлар берилган. Ушбу маҳорат дарсларининг ёш ўсиб келаётган авлоднинг тарбиясидаги аҳамияти ёритилган.*

Калит сўзлар: *амалий санъат турлари, ёш авлод, маҳорат дарслари, уста-ҳунармандлар, музей, услублар, устоз-шогирд мактаби.*

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи заҳирахонаси ва экспозициясида XIX-XX асрларда яшаб ижод қилган ҳалқ усталарининг яратган ўн мингга яқин асарлари тўпламлари сақланиб келмоқда. Усталарнинг аксариятини ҳунари авлодлари томонидан давом эттириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айнан, ёш ўсиб келаётган авлодга ҳунар ўргатишга қаратаётган эътиборини 2022 йил 5 майдаги ПҚ-241 сонли қарорида кўриш мумкин. Бунда қарорнинг 1-банди 3-хатбошида ўқувчиларнинг меъморий ва тарихий обидалар, маданият муассасалари ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга ташрифини уюштирилиши, 7-бандининг 2-хатбошида касб эгаларининг меҳнат фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида 5-7-синф ўқувчилари учун турли учрашув ва сайёр дарсларни ташкил этилиши, 7-9-синф ўқувчиларининг касбга мойиллигини аниқлаш бўйича ташхислар ўтказиб борсин ҳамда натижаларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш корхоналари, ҳунармандчилик марказлари ва бошқа ташкилотларга экскурсиялар ташкил қилиниши, 10-ва 11-синф ўқувчиларини касбларга, шу жумладан касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари, қисқа муддатли курслар очилган таълим муассасаларида ўқитиш чораларини кўрилиши белгилаб берилган.

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида белгиланган болалар ва ёшларда халқнинг бой маданий меросидан фахрланиш, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришга оид

қоидаларни амалга ошириш мақсадида, республика фуқароси ҳисобланган ва 18 ёшгача бўлган болаларнинг маданий мерос иншоотларига, жумладан кўрғазмалар, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар, шунингдек, давлат музейларига бепул кириш тартиби жорий этилган.

Музейнинг бой коллекциясидан ўрин олган ноёб ёғоч ўймакорлиги намуналари тошкентлик Ортиқ Файзуллаев, Мақсуд Қосимов, Зиё Қориев, Сирожиддин Раҳматуллаев, қўқонлик Қодиржон Ҳайдаров, хоразмлик Ота Полвонов, Сафо Боғбеков каби халқ усталарига тегишли бўлиб, бир-биридан услуби, нақши ва техникаси билан фарқ қилади.

Юқорида номлари санаб ўтилган усталардан Сирожиддин Раҳматуллаевнинг фарзанди ва невараси томонидан музейда бир неча марта маҳорат дарслари ташкил этилиб, музей ташрифчиларига, айниқса, ёш авлодга катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Бир қарашда оддийгина кўринган бир бўлак ёғоч, болға ва пўлат қалам ёрдамида мўжиза яратаётган усталар ота-боболарининг бебаҳо меросини давом эттириш баробарида, келажак авлодга етказишда ўзининг беминнат ҳиссасини қўшмоқда.




(Ўзбекистон халқ устаси Сирожиддин Раҳматиллаевнинг набираси Санъат фестивали олтин медал соҳиби Сирожиддин Жалолиддин ҳамда Каримов Фаррух билан биргаликда “Ёғоч ўймакорлиги” бўйича маҳорат дарси 07.06.2024)

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида Нарзуллаевлар сулоласи вакиллари томонидан доимий ўтказиладиган маҳорат дарсларига амалий санъатнинг анъанавий каштачилик, кулолчилик ва гилам тўқимачилиги киради. Сулоланинг 4-авлод вакили усто Усмон Умаров ва 5-авлод вакили усто Ибодулло Нарзуллаевлар томонидан яратилган қирққа яқин кулолчилик намуналари музейнинг заҳирохонаси ва экспозициясидан ўрин олган. И.Нарзуллаевнинг ўғли, Ўзбекистон Халқ устаси Абдулло Нарзуллаев ҳам ўзининг юзга яқин кулолчилик намуналарини музей заҳирохонасига беғараз топширган. Музейда ушбу сулоланинг 7-авлод вакиллари томонидан бир неча йиллар давомида ўнлаб маҳорат дарслари ўтказиб келинади. Шулардан бири, момоларимиздан мерос қолган каштачилик санъатидир. Тарихдан биламизки, қизлар игнани илк марта 6-7 ёшидан қўлига олиб кашта тика бошлашган. Бу эса, қиз болани ёшлигидан сабр-тоқатга, меҳнатга ўргатиш усули бўлган.




(Нарзуллаевлар сулоласи давомчиларидан бири саналган Дилноза Нарзуллаева томонидан олиб борилган маҳорат дарси. 09.01.2024)

Амалий санъат музейининг доимий ҳамкорларидан бири- “Art seven club” тўғараги раҳбари Ситора Абдукаримова ҳисобланади. Унинг йўналиши асосан, тасвирий санъат бўлса-да, миллий урф-одатлар, қадриятлар мавзусига тез-тез мурожаат қилади. Масалан, машҳур Ҳалқ рассоми Чингиз Аҳмаров асарларидан илҳомланиб, айнан шарқ гўзали тимсолини яратади. Унинг маҳорат дарсларида иштирок этган ўқувчи ва музей ташрифчиларида илиқ таассуротлар қолади.



(“Art seven club” тўғараги раҳбари Ситора Абдукаримова томонидан ўтилган маҳорат дарси. 13.04.2024)

Музейда урфга айланиб улгурган, 31 январь “Заргарлар куни” муносабати билан, мана бир неча йилдирки, моҳир заргарлар томонидан маҳорат дарслари уюштирилади. Бу галги заргар-уста ҳам анъанавий ҳам замонавий йўналишда ижод қиладиган, ўзининг “Ramz Jewel” брендига асос солган хунарманд Рамзиддин Азизов бўлди. Маҳорат дарси давомида турли олий ўқув юртларидан ташриф буюрган талабалар ўзларини заргарликда ҳам синаб кўришди ва қизиқтирган саволларга уста-хунарманддан жавоблар олишди.



(Истеъдодли заргар Рамзиддин Азизов томонидан ўтказилган маҳорат дарси. 31.01.2024)

Миниатюра йўналишида ижод қилаётган моҳир миниатюрачи-рассом Камолиддин Абдуллаев ҳам музейнинг маҳорат дарсларини ташкил этишда ўз ёрдамини аямайди. Ёшларга нақш, миниатюра орқали санъатнинг машаққати, унинг нафислигини тушунтиради ва амалда ўз иш жараёнида кўрсатади. Камолиддин Абдуллаев кўпгина хорижий кўргазма, фестивал ва кўрик танловлар иштирокчиси. У ижодини серқирра қилишга улгурган. Қум-қоғоз қутичаларга чизиш баробарида, ипак қоғозга ҳам миниатюра ва наққошлик асарларини яратади.



(Миниатюрачи-рассом Камолиддин Абдуллаев томонидан ўтказилган маҳорат дарси. 09.07.2024)

Ҳозирги кунда Амалий санъат музейида маҳорат дарслари бепул ўтказилмоқда. Бу ҳам ёш авлодни қўллаб-қувватлаш ва хунарни ўрганиш учун уларга берилган бир имкониятдир.

Ўзбекистон ҳукуматининг ёшларга берган бу каби имтиёз ва имкониятлари албатта, ҳар бир ўзбек фарзандининг мактаб остонасиданоқ хунарга, аждодларга, маданий меросимизга бўлган меҳр-муҳаббатини оширади. Шу билан бирга, аждодлар меросини асраш ва давом эттиришдаги катта маъулиятни ҳис қилишига ёрдам беради.

Амалий санъат музейининг бир неча йиллар давомида умумтаълим мактабларида ўтказаётган кўчма кўргазмалари ҳам музей ва унда сақланаётган осори-атиқаларни тарғиботида ўзининг яхши самарасини бериб келмоқда. Ушбу кўчма кўргазмаларда ўқувчилар нафақат музей ҳақида маълумотлар оладилар, балки музей ходимлари томонидан тайёрланган тақдимот орқали жаҳон ва Ўзбекистон музейлари, уларда сақланаётган экспонатлар ва қизиқарли фактлар билан ҳам яқиндан танишадилар. Маданий меросимизнинг турли жабҳалари акс эттирилган фото кўргазма эса, ўқувчиларнинг салоҳиятини янада оширишга ёрдам беради. Ундан ташқари, музей ходимлари томонидан мактаб

ўқувчиларига викторина уюштирилиб, фаол ўқувчилар музейнинг сермазсун китоблари билан тақдирланадилар.

Бу каби маданий-маърифий тадбирлар музейларга ташрифчилар сонини янада оширишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда хунарга қаратилган эътибор дунёнинг бошқа ривожланган давлатларида ҳам йўқ. Шундай экан, ёш ўсиб келаётган авлод бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, олтин меросни давом этишида ўзининг меҳнат ва билимларини аямаслиги ва уни кейинги авлодга етказиб бериши керак. Алишер Навоий бобомиз айтганларидек: “Хунарни асрабон нетгумдир охир, олиб тупроққа кетгумди охир?!”. Фахрий хунармандларимиз бор экан, улардан вақт борида хунарнинг сир-асрорларни ўрганиш ҳар биримизнинг бурчимиздир!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача ва мактаб таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2022 йил 5 майдаги ПҚ-241 сонли қарори.

2. Акилова К.Б. Народное декоративно – прикладное искусство Узбекистана. XX век. Алматы: PRINT – S, 2005.

3. Ўзбекистон маданий мероси муаллифлик туркуми: Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейи тўплами китоб-албоми. /Ф.Ф.Абдухолиқов, Е.В.Ртвеладзе, И.Юсупов, С.Зохидова, С.Исраилова (Раҳмонова). – Т.: “Ўзбекистан Тудай” АА, “Даракчи информ сервис” МСХЖ буюртмасига кўра, 2021. – 528 б.

4. Н.Талипова. “Шедевры прикладного искусства Узбекистана”. Ташкент, 2012.

5. Ўзбекистон хунармандчилиги ва амалий санъати, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” I, II томлари, Давлат илмий нашриёти, Тошкент-2016.